

Аدل ила олам юзин обод қил Куч-адолатда

2023 йил
27 январь,
жума
№ 4 (934)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРҒИЗИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Бишкек шаҳрига келди.

Икки мамлакатнинг давлат байроқлари билан безатилган "Манас" халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонларни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва

унинг рафиқаси кутиб олди.

Бу ерда давлат раҳбарларига Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи мусиқий-фольклор чиқишлар намойиш этилди.

Сўнг Президентимиз Қирғизистон Бош вазири Акилбек Жапаров ҳамроҳлигида "Ата-Бейит" мил-

лий тарихий-ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари 1916 йилги фожиали воқеаларнинг қурбонлари хотирасига бағишланган "Уркун" ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Мажмуа 2000 йилда қирғиз давлатчилигининг энг муҳим босқичлари ҳақидаги тарихий хотирани тиклаш

ва асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилган. Қирғиз халқининг улус ёзувчиси Чингиз Айтматов таклифи билан ёдгорликка "Ата-Бейит" – "Оталар қабри" деган ном берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғизистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТИ: "ИНСОН ҚАДРИ УЧУН"

Давлат ва жамият ривожига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш, қонунийликни мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши самарали курашиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори бу йўналишда ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур жараёнларда одил судловни таъминлаш, суд идорасига келган ҳар бир инсоннинг муаммосига адолатли ечим топишга эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилнинг 16 январь куни Президентимиз томонидан қабул қилинган "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонлар 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тарақиёт стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишда муҳим қадм бўлди.



Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди. Стратегия доирасида одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари этиб "Инсон қадри учун" гоёси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш, унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадри-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш белгиланди. Бу

нима дегани?

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев халқ манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиб, юртимизда халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилишини белгилаб берди. Мазкур тамойил бугун барча соҳаларда ўз тасдиғини топиб, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Айни жиҳатдан, мазкур фармон билан адолатли суд тизимини шакллантириш судларда халқ манфаати ва инсон қадри-қим-

матини самарали ҳимоя қилиш орқали амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Бу икки муҳим ҳужжат билан суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўйбе-ра чикариш, судлар ҳолислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, судьялар мустақиллиги

ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш белгилаб қўйилди.

Фармонда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашув қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Айрим ҳолатларда суд томонидан чиқарилган қарордан норози бўлиб, турли қўриқишда тазйиқ ўтказиш, суд қақуриғида кўра суд процессларига қасддан келмаслик, судьяни жамоатчилик олдида обрўсизлантириш ҳолатлари учраб турибди.

Ҳужжатлар Янги Ўзбекистонда ислохотларнинг долзарб бўғини бўлган суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Алишер УСМОНОВ,
Наманган вилояти
судининг раиси.

ЎЗА

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шартлардан биридир.

Чунки инсон шаъни, қадри-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари айнан адолатли ва мустақил суд томонидан ҳимоя қилинади.

Муносабат

Янги Ўзбекистоннинг ЯнгиЛаниб Бораётган Суд Ҳокимияти

Кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш бўйича муҳим чора-тадбирлар мажмуи қабул қилинди.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "Суд тизими мустақил бўлмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмайди. Суд идорасига иш тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши лозим. Янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томони-



Рабохон МАХМУДОВА,
Олий суд раисининг
биринчи ўринбосари

дан топилиши керак. Судьялар ишига ҳар қандай аралашув кескин жазоланади, уларнинг хавотирсиз ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилади. Қанчалик қийин бўлмасин, суд тизимидаги ислохотларимизни албатта, давом эттирамиз", деб таъкидлаб ўтди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Таҳлил ва таклиф

Корпоратив бошқарув

низо предмети ва ечим

Корпоратив бошқарув соҳасида муайян қарорнинг қабул қилиниши икки ва ундан ортқ шахсга боғлиқ бўлиб қолганда келишмовчиликлар вужудга келиши табиий ҳол. Ушбу шахсларнинг манфаатдорлиги, дунёқараши ва фикрларининг хилма-хиллиги нуқтаи назаридан қараганда, бу каби ҳолларда ўзаро мақбул бир тўхтамга келиш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иштирокчилар ўртасидаги келишмовчиликлар кейинчалик масъулият чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиб, айрим ҳолларда уларнинг тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолишига ҳам сабаб бўлмоқда. Бундай келишмовчиликларни ҳал этиш ва олдини олиш учун корпорациялар иштирокчилари



нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг моддий ҳамда процессуал ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш зарур.

(Давоми 3-бетда) ▶

ТАРИХ ТИЛСИМЛАРИ

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ КИМ БЎЛГАН?



Тарихий манбалар ва бадиий адабиётларда Луқмони Ҳаким номи кўп учрайди. Шундай бўлса-да, у ҳақида маълумотлар жуда кам. Айрим олимлар Луқмони Ҳаким билан боғлиқ ҳикоятларнинг машҳур юнон мутафаккири Эзоп (эрамиздан аввалги 564-620 йиллар) масаллари билан ўхшашлигини ҳисобга олиб, ҳар икки шахс аслида бир киши бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суришган.

(Давоми 4-бетда) ▶

Халқаро тамойиллар Шахсга доир МАЪЛУМОТЛАР

махфийлик, дахлсизлик
ва қонун ҳимоясида



Бутун дунёда 2007 йилдан буён ҳар йили 28 январь – Халқаро шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш куни (Data Protection Day) сифатида нишонланади.

Айрим мамлакатларда у «Махфийлик куни» (Data Privacy Day) деган ном билан ҳам аталади. Ушбу сана Интернет тармоғидан фойдаланувчилар бу борадаги одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши виртуал ва реал ҳаёт хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишини унутмасликлари учун таъсис этилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУФУЗИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Депутатлар дастлаб "Халқаро меҳнат ташкилотининг ходимларни иш жойидаги ҳавонини ифлосланиши, шовқин ва тебранишлар туфайли юзага келадиган касбий хавф-хатардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 148-сонли Конвенциясини (Женева, 1977 йил 20 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиди.

Айтиш керакки, ушбу қонун

лоийҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида келиб тушган қатор таклифлар асосида ҳужжат матнига таҳририй ўзгаришлар киритилди. Хусусан, қонун номидаги "ишчилар" жумласи мамлакатимизнинг бандлик соҳасидаги қонунчиликдан келиб чиқиб, "ходимлар" сўзига ўзгартирилди.

Мазкур Конвенцияга мамлакатимизнинг қўшилиши Халқа-


ро меҳнат ташкилоти экспертлари ҳамкорлигида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга жорий этиш бўйича изчил чораларни кўриш, шунингдек, келгусида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан муносабатларда мамлакатимизнинг нуфузини янада кўтаришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги
янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

ТИББИЁТ ТИЗИМИ РАХБАРЛАРИ
ҲАМ ЖАМОАТЧИЛИК ОЛДИДА
ҲИСОБ БЕРАДИ

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг сифати, самардорлиги ва оммабоплигини тубдан ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини кенгайтириш, шу асосда аҳолининг кафолатланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, аҳоли саломатлигини тизимли равишда муҳофаза қилиш ишлари янги босқичга кўтарилди. Олих ҳудудларда тиббий ёрдамни мақсадли йўналтириш тизимини юқори даражада ташкил этиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг самардорлигини ошириш, амбулатор ёрдамни янада яхшилаш, шошилинч ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш дастурлари қабул қилиниши соҳанинг барқарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди.

Шунингдек, бугун даврнинг ўзи соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, бу борадаги ишларни аҳоли ва кенг жамоатчиликка етказишнинг шаффоф механизминини яратиш юзасидан тиббиёт тизими раҳбарларининг жамоатчилик олдида мунтазам ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиб бориш тартибини жорий этишни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тиббиёт тизими раҳбарларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этишга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасига асосан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунларга ушбу ҳисоботларни эшитиш тартиб-таомиллари билан боғлиқ ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Маъмур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши даволаш-профилактика муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш ҳолати, муаммолар масалалар ечимини топиш юзасидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни таъминлашга ҳисса қўшади.

ТАДБИРКОРЛАР
ҲИМОЯСИ ЯНАДА КУЧАЯДИ


Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишнинг янги механизмлари жорий этилиб, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари жавобгарлиги жиний жавобгарликка тортиш даражасига ошirilди.

Бироқ бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисоб рақамларидан қонун ҳужжатларида белгиланмаган тартибда пул маблағларини ечиб олиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Аммо Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан ортинча ундирилган ва тўланган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик учун жавобгарлик

белгиланмаган.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисоб-рақамларида пул маблағларини дахлсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобрақамларидан пул маблағларини уларнинг розигисиз қўчириш ёки олиб қўйиш ҳолатлари бўйича маъмурий ва жиний жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадида Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда.

Ўрни тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобрақамларидан пул маблағларини уларнинг розигисиз қўнунга хилоф равишда ўтказиш ёки олиб қўйиш ёхуд ортинча ундирилган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик учун маъмурий ва жиний жавобгарлик чоралари белгиланмоқда.

БОЛАНИ ЧЕТ ДАВЛАТ ҲУДУДИДА
НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРГАНЛИК УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида сиёсий партияларнинг фракциялари, депутатлар томонидан келиб тушган таклифлар асосида ундаги нормалар маромига етказилди, бир қатор моддаларга ўзгаришлар киритилди.

Қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг болани чет давлат ҳудудида назоратсиз қолдириш учун жавобгарликни белгилувчи 47⁻модда билан тўлдирish ҳамда ушбу ҳаракатни бир йил давомида такроран содир этилиши ёки маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг суд томонидан белгиланган муддатда чет элда турган болани қайтарилишини таъминлаш учун Жиноят кодексининг 122⁻моддаси билан жиний жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ

Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИЛАНИБ БОРАЁТГАН СУД ҲОКИМИЯТИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу билан бирга Президентимиз 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида ҳам ушбу масалага тўхталиб ўтиб, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгилашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратилишини қайд этди.

Шу муносабат билан 2023 йил 16 январь куни Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва “Одил судлов фаолиятини амалга ошириш самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

Маъмур тарихий ҳужжатларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самардорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли Стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастури тасдиқланди.

Стратегия Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятини ривожлантиришнинг асосий мақсадлари, устувор йўналишлари ҳамда истиқболли вазифаларини белгилайди, шунингдек, соҳага илғор халқаро стандартларни янада кенг жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу Стратегияни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурида суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг 10 та йўналиши бўйича 28 та чора-тадбирлар белгилаб қўйилди.

Жумладан, уларга кўра, тергов устидан суд назоратини кучайтириш мақсадида “Хабеас корпус” институти амалиётга янада кенгроқ жорий этилади.

Кези келганда шуни айтиш керакки, тараққий этган давлатларда жиний таъкибга учраган, ҳибсга олинган ёки қамоқда сақланаётган фуқаронинг адолатли суд орқали ҳимояланishi бўлган ҳуқуқини “Хабеас-корпус” деб номлаш оdat тусига кирган. “Хабеас-корпус” атамаси лотинчадан олинган бўлиб, “шахс (суда) келтириш” деган маънони англатади. 1679 йил 26 май куни инглиз парламенти томонидан қабул қилинган қонун — “Хабеас Корпус Акти” атамасидан олинган.

Таъкидлаш жоизки, маъмур институтини миллий қонунчилигимизда мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йилдан бошлаб судга қадар иш юритиш босқичида жиний содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи, 2012 йилдан бошлаб айбланувчини лавозимидан четлатиш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш, 2014 йилдан эса, уй қамогини белгилаш тарзидаги процессуал мажбурулов чораларини ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга ошириш тартиби жорий этилган.

Бундан ташқари 2017 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан айрим қонунчилик ҳужжатларига, хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 29-моддасига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва экзгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича воқолатлари ҳам судларга ўтказилди.

Шу сабабли Стратегияда келгусида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкция бериш воқолатини прокурорлардан судларга ўтказиш, тарафларнинг ташаббусига кўра, тайинланган эҳтиёт чорасини суд томонидан юқори қийматда (жумладан, етказилган зарарга нисбатан) гаров эҳтиёт чорасига алмаштириш тартибини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши белгиланди.

Маълумки, низоларни муқобил хал қилиш институтини ривожлантириш, яъни айрим тоифадаги ишларни судга ва суддан ташқари хал қилиш механизмларини янада кенгайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим таркибий қисмидир.

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низоли судгача олиб бормасдан, муқобил йўл билан



хал қилишга қаратилган медиация — тарафлар ихтиёрий розилиги билан низоли ўзаро хал этиш жараёни алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юртимизда ҳам қадимдан бирон-бир оила ёки маҳаллада низо келиб чиқадиган бўлса, ўша маҳалланинг ёши улғу оқсоқол ва кайвонилари низолашаётган тарафларни инсофга қақриб, уларни яраштиришга, низоли тинч йўл билан бартараф этишга ҳаракат қилишган ва бу амалиёт ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган.

Шу ўринда 2019 йил 1 январдан кучга кирган “Медиация тўғрисида”ги қонун ушбу институтни амалиётга кенгроқ жорий этишга замин яратганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тахлилларга кўра, сўнгги 3 йилда фуқаролик судлари томонидан медиация тартиб-таомилли қўлланилиб ва медиатив келишув бўйича кўрмасдан қолдирилган ишлар сони 16 баробарга ошган.

Медиацияни қўллаш низолашаётган тарафларнинг вақти ва ресурсларини тежаш, ортинча оворагарчиликларнинг олдини олиш, низо бўйича ўзаро мақбул ечим топишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фармонга асосан эндиликда самарали йўналиш сифатида низоларни хал этишнинг муқобил усулларидан янада кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилади. Хусусан, медиация институтини қўллаш доирасини кенгайтириш ва низоларни судгача хал қилиш механизмлари қўлланилиши лозим бўлган фуқаролик ишлари тоифасини кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрланади.

Судларда ишларни кўриб чиқишда адолатни, очиклик ва шаффофликни таъминлаш учун “Электрон одил судлов” тизими жорий этилди. Аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизими, шунингдек, Advice.uz ҳуқуқий маълумотлар тизимининг имкониятларини кенгайтириш ҳамда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар хизматини кўрсатувчи “Мадад” нодавлат нотижорат ташкилотини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Шу боис илғор хорижий тажриба асосида, суд иш юритишда тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлиги принципини амалда таъминлаш имкониятлари яратилади.

Суд мажлисида тарафларга шахснинг айбли ёки айбсиз эканлигини исботлаш, далилларни тақдим қилиш учун тенг имкониятларни яратиш бўйича хорижий тажриба ўрганилади.

Бунда айбланувчининг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи амалда тўлиқ таъминланиши бўйича таъсирчан механизмлар яратиш ҳамда ҳимоячига берилган ҳуқуқлар қайта кўриб чиқилиб, унинг воқолатлари кенгайтирилади, жумладан, шартнома асосида мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилади.

Фармонга мувофиқ суд жараёнида айбловни фақат қонунга асосланиб, ҳолис ва сифатли қувватлаш, суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда тергов ходимларининг амалий кўникмаларини оширишга кўмаклашиш мақсадида Бош прокуратура, вилоят, туман прокуратураларидаги тегишли бўлимлар Одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси этиб белгиланмоқда.

Бунда Ихтисослашган прокурорлар корпуси ходими судларда кўрилаётган ишлар бўйича айбловни (фуқаровий даъво) қўллаб-қувватлаш, ўзгариш ёки ундан воз кечиш, шу жумладан, Жиноят кодекси нормаларини қўллаш, жазо тури ва меъерини белгилаш масалалари юзасидан фикрини судга баён қилишда мустақил бўлиб, қонун талабларига ва иш-

нинг барча ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўз ишончига асосланади.

Яна бир муҳим масала, судьялар ихтисослашувини янада кенгайтириш мақсадида мураккаблигига кўра, ихтисослашувни талаб этадиган йўналишлар, жумладан, оилавий, меҳнат, интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид низолар бўйича ихтисослаштирилган судьялар корпуси шакллантирилади.

Бу эса, ушбу тоифадаги ишларни малакали судьялар томонидан сифатли кўрилишини ва ягона суд амалиёти шакллантирилишини таъминлайди.

Маълумки, давлат органлари қарорлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатини амалга ошириш таъминлашга хизмат қилаётган маъмурий судлар фуқаролар, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд ҳимоясига эришиш даражасини оширди.

Мисол учун 2017-2022 йилларда маъмурий судлар томонидан 87 мингдан ортиқ ариза (шикоят) кўриб чиқилиб, уларнинг 62 фоизи қаноатлантирилган. Жумладан, ҳокимларнинг 7,5 мингдан ортиқ қарорлари ноқонуний деб топилган ҳолда фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Бугунги кунда давлат органлари билан муносабатларда фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш айнакка, муҳимдир.

Шунинг учун ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида ҳамда хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда маъмурий суд иш юритишнинг такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Ушбу мақсадда жорий йил якунига қадар Маъмурий суд иш юритишнинг такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Унда маъмурий суд иш юритиш принципларини кенгайтириш, маъмурий суд иш юритишга даъво институтини киритиш ва даъво турларини аниқ белгилаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилишда, етказилган зарарни ундириш тартибини аниқлаштириш, маъмурий судлар фаолиятига ҳуқуқий бузилган фуқаро — аризачининг хоҳишига кўра, экстерриториал судловга тегишлилик механизминини жорий этишни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Фармон билан тасдиқланган Ҳаракатлар дастурида суд ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ихросини таъминлаш, судьялар корпусини шакллантиришда очиклик ва шаффофлик принципини янада кенгроқ жорий этиш, суд ҳокимиятининг нуфузи, мавқеи ва обрўсини янада юксалтириш чораларини кўриш каби муҳим чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Албатта, ҳар қандай жамиятда адолат мезони — фуқароларнинг ҳуқуқ-эркинликлари ва қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиши қай даражада кафолатланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Адолат эса, фақат мустақил суд ҳокимияти томонидан таъминланади.

Бу борада Фармонда одил судлов фаолиятига ташқи ва ички тарафдан аралашуш имкониятларини бартараф этиш чоралари кўзда тутилмоқда. Хусусан, судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида уларнинг ишига ҳар қандай аралашуш қатъий жазоланиши, судьяларнинг хавотирсиз ишлаши учун давлат томонидан барча шароитлар яратилиши қайд этилди.

Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлашни кучайти-

риш мақсадида, судга ҳурматсизлик қилиш ҳолатларининг олдини олишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилди, бунинг учун маъмурий жавобгарлик чоралари кучайтирилади ва жиний жавобгарлик белгиланади. Хорижий амалиётга кўра, бундай нормалар Арманистон, Грузия, Қозғистон, Озарбайжон, Россия ва бошқа давлатлар қонунчилигида мавжуд.

Амалиётда судга босим ўтказилаётгани, судьянинг дахлсизлигига таҳдид қилингани, судьянинг ишига аралашушга ҳаракат қилингани ҳақида хабарлар кенг муҳокама қилинса-да, суд ишларини хал этишга аралашганлик ҳолати бўйича юритилган жиноят ишлари ҳақида кенг жамоатчилик етарли даражада хабардор қилинмайди.

Шу муносабат билан одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганликка оид ҳар бир жиноят иши якуни бўйича жамоатчиликни оммавий ахборот воситалари орқали мажбурий равишда хабардор қилиш тартиби жорий этилиши белгилангани судларнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари Стратегияда келгуси йилларда ҳудудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқиб, судьялик штат бирликларини сонини босқичма-босқич ошириб бориш мақсади белгиланди. Бу эса, аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, судьялар ҳамжамияти органларини шакллантириш, судьяларни танлаш, лавозимга тайинлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам яқин истиқболдаги устувор вазифалар бўлади.

Судьялар ҳамжамияти органларининг вазифалари, функциялари, воқолатлари ва уларнинг фаолияти механизмларини тартибга солувчи “Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари Судьялар олий кенгаши таркибини шакллантиришда судьяларнинг роли ва ўрнини белгилаш мақсадида унинг бир қисмини судьялар томонидан сайлаш тартиби жорий этилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг “Одил судлов фаолиятини амалга ошириш самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида одил судлов фаолиятини амалга ошириш учун жалб этилган ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида айрим тоифадаги фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш воқолатини тегишлилиги бўйича маъмурий органларга ўтказиш ҳамда айрим тоифадаги жиноят, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш каби муҳим чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Ушбу янги механизмларни жорий этилиши натижасида иш юкламаси мақбуллаштирилган судларнинг штат бирликларини самарали тақсимлашга эришиш кўзда тутилган.

Маъмур Фармонларда белгиланган муҳим вазифаларни ҳаётга тадбиқ этилиши судлар фаолияти самардорлигини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд ишларини юритишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, "Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунга кўра, бундай шаклдаги корхона ёки корпорацияни бошқаришда иштирок этиш иштирокчининг номулкий ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқлар амалдаги қонунчиликда, шунингдек, жамият таъсис ҳужжатлари ёки умумий йиғилиш қарори билан қабул қилинган бошқа ички меъёрий ҳужжатларда ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.

Бугунги кунда корпорацияларнинг ички ҳуқуқий муносабатлари, корпоратив бошқарув ва муносабатлар соҳаси етарлича ўрганиш ва тартибга солишни талаб қиладиган соҳалардан биридир. Бу борада қонунчиликда бўшлиқлар мавжуд ва қонунни таъбиқ қилиш амалиёти етарлича шаклланмаган.

Худди шу сабабли суд амалиётида мазкур тоифадаги низоларни ҳал этиш билан боғлиқ мураккаб ва мунозарали масалалар юзага келмоқда. Шулардан бири иштирокчиларнинг умумий йиғилишини қақариш билан боғлиқ низолар ҳисобланади.

Иқтисодий процессуал кодекснинг 30-моддаси биринчи қисми 6-бандида юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини қақариш тўғрисидаги низоларнинг ҳуқуқий ечимни кўрсатилган. У айнан ушбу жараёндаги низолар вужудга келганда иштирокчи ёки ҳуқуқи бузилган тарафнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқини ва унинг суд томонидан ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Айни чоғда "Масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасига кўра, навбатдан ташқари умумий йиғилиш жамиятининг уставиде белгиланган ҳолларда, шунингдек, агар бундай умумий йиғилишни ўтказишни жамият ва иштирокчиларининг манфаатлари такозо этса, бошқа ҳолларда ҳам ўтказилади.

Жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши зарур ҳолларда жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан унинг ташаббусига биноан қақарилиши ҳам мумкин.

Суд амалиётида умумий йиғилиш билан боғлиқ низолар аксарият ҳолларда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини амалга оширилишига тўсқинлик қилинган, яъни умумий йиғилишни қақариш тартиб-таомиллариغا риоя қилинмаслиги ёки ушбу таомилларнинг қонунчиликка мувофиқ равишда амалга оширилмагани натижасида келиб чиқаётгани кузатилмоқда.

Бунга бир ҳаётий мисол: "Projekt Montage Engineering" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси Х.Хусанова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Қорақул туманлараро иқтисодий судига корхона ҳамда унинг иккинчи таъсисчиси С.Содиқовага нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, уларга жамият таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини қақариш ҳамда жамият молиявий ҳисоботлари тўғрисидаги, бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг белгиланган талабларга мувофиқлигини ва соф фойда микдорини аниқлаш учун аудиторлик текширув ўтказиш мажбуриятини юклаганини сўраган.

Даъво аризасида баён этилишича, масъулияти чекланган жамиятнинг иккинчи таъсисчиси ва директори ўзаро тил бириктириб, корхона фаолиятига оид ҳужжатларни унга бермаган, ишламайдиган ҳодимларга ойлик иш ҳақи ёзган, хизмат сафарлари мақсадида пул маблағларини ўзлаштирган, дивидентларни тақсимламаган ва корхонага зарар келтирган.

Ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида даъвогар корхонага 2020 йил

Таҳлил ва таклиф

Корпоратив бошқарув

низо предмети ва ечим



26 мартда хабарнома билан мурожаат қилган ва 2020 йил 27 апрель куни соат 10⁰⁰да Тадбиркорликка кўмаклашиш марказининг Бухоро шаҳар бўлими биносиде корхонанинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини қақарган.

Бироқ жамият иккинчи таъсисчи томонидан даъвогарни таъсисчилар сифидан суд тартибиде қақариш тўғрисида даъво аризаси киритилгани, ушбу масала судда кўриб чиқилгунга қадар умумий йиғилиш қақариш масаласи кўриб чиқилмаслиги маълум қилинган. Қисқаси, даъвогарнинг умумий йиғилишни қақариш тўғрисидаги таклифи корхона томонидан рад этилгани низоининг келиб чиқишига сабаб бўлган.

Суд ушбу ҳолатда корхона томонидан даъвогарнинг умумий йиғилиш қақариш тўғрисидаги талабини рад этиш асослари қонун ҳужжатиде мавжуд эмаслиги, Иқтисодий процессуал кодекснинг 30-моддаси биринчи қисми 7-бандига асосан юридик шахс иштирокчиларининг умумий йиғилишини қақариш тўғрисидаги низолар корпоратив низолар жумласига кириши, даъвогар корхонага 2017 йил 18 июлда таъсисчи бўлиб кирганини инобатга олиб, унинг корхонага нисбатан 2017-2019 йиллар учун йиллик натижаларини тасдиқлаш мақсадида масъулияти чекланган жамият таъсисчиларининг навбатдаги умумий йиғилишини қақариш мажбуриятини юклаш талабини қаноатлантирган.

Ваҳоланки, "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддаси ўн биринчи қисмига кўра, агар ушбу қонунда белгиланган муддат ичида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан қақарилиши мумкин.

Бошқача айтганда, ушбу ҳолатда масъулияти чекланган жамият шаклидаги юридик шахснинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш воситаси сифатида судга даъво киритиш ҳуқуқи назарда тутилмаган.

Шу ўринда суд амалиётидан келиб чиққан ҳолда, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятларда умумий йиғилишни қақариш тартиби билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва суд амалиётида қонунчиликни бир хилда қўллаш юзасидан бир қатор таклифларни билдирмоқчимиз.

Биринчи таклиф

Бугунги кунда илм-фан ва технология ютуқлари кенг жойи қилинаётгани, электрон шаклда иш юритиш асослари ривожланаётгани ва амалиётда иштирокчиларни умумий йиғилиш ҳақида хабардор қилиш жараёнидаги ноқулайликларни бартараф қилиш ҳамда иштирокчиларнинг ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш, шунингдек, бу борада юзага келадиган низоларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш мақсадида қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж бор. Шу боис иштирокчиларни умумий йиғилиш ҳақида хабардор қилиш усуллари сира-сирга электрон хабар ёки электрон почтадан фойдаланишни назарда тутиш билан боғлиқ қоидаларни жорий этиш мақсада мувофиқ.

Хусусан, умумий йиғилиш ҳақида иштирокчиларни хабардор қилиш юзасидан "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонунга қуйидаги мазмундаги янги модда киритиш зарур:

"33-модда. Тегишли тарзда хабардор қилиш

Агар жамият иштирокчиси умумий йиғилиш ўтказишнинг вақти ва жойи ҳақида ушбу қонунда назарда тутилган усуллардан бири орқали хабардор қилинган бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Жамият иштирокчиси қуйидаги ҳолларда ҳам жамият томонидан жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади, агар:

хабарнома йўлланган иштирокчи хабарномани олишни рад этган ва ушбу рад этиш қайд этилган бўлса;

жамият томонидан иштирокчи юридик шахснинг жамиятга маълум бўлган охириг жойлашган ери (почта манзили), фуқаронинг яшаш жойи бўйича юборилган хабарномадан олгучи кўрсатилган манзилда йўқлиги сабабли топширилмаган ва бу ҳақда алоқа муассасаси жамиятни хабардор қилган бўлса;

хабарнома жамият томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, электрон хабар юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса".

Иккинчи таклиф. Иштирокчиларнинг корпоратив муносабатлардаги масъулиятини ошириш мақсадида амалдаги қонуннинг 9-моддаси биринчи

қисми янги учинчи-тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилиши лозим. Шунда мазкур модда қуйидагича баён этилади: "9-модда. Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари

Жамият иштирокчилари: ушбу қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўлиши;

жамият фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмаслиги;

ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида жамият ижро органини ўз вақтида хабардор қилиши; ҳуқуқларини суиистеъмол қилмаслиги шарт.

Жамият иштирокчиларининг қонунчилик ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин".

Учинчи таклиф. Қонунчиликка қонун ва жамият уставиде белгиланган муддатларда умумий йиғилиш қақарилмаган ҳолларда умумий йиғилишни ўтказишга масъул шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қоидаларни киритиш лозим. Бу амалиётда жамиятнинг умумий йиғилишини ўтказиш борасида учраётган қонун бузилиш ҳолатлари, жамият йиллик ҳисоботлари, дивидентлари билан боғлиқ масалаларнинг ўз вақтида ҳал қилинмаслиги каби ҳолатларни бартараф қилишга, жамият масъул шахслари ва органларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Тўртинчи таклиф. Олий ҳўжалик суди Пленумининг 2014 йил 20 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорини қуйидаги мазмундаги 16.1-банд билан тўлдириш тавсия этилади:

"Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддаси биринчи қисми ўн олтинчи хатбошисига кўра, "агар ушбу қонунда белгиланган муддат ичида жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки уни ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни ўтказишни талаб қилаётган органлар ёки шахслар томонидан қақарилиши мумкин", деб белгиланган.

Шу муносабат билан эътиборга олиш кераки, жамият иштирокчиси ёки юридик шахс органи (тузилма – яъни жамият кузатув кенгаши, жамият тафтиш комиссияси (тафтишчиси) томонидан жамиятга нисбатан берилган жамият иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш мажбуриятини юклаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади".

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклифларнинг инобатга олиниши келгусида иштирокчилар умумий йиғилишини қақариш бўйича келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга қонуний асос вази-фасини ўтади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини одил суд томонидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мақсудбек САИДОВ, Тошкент шаҳар суди раиси ўринбосари

Халқаро тамойиллар

Шахсга доир маълумотлар

махфийлик, дахлсизлик ва қонун ҳимоясида

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу халқаро сананинг тарихи ва аҳамияти

Айни кунни нишонлаш тўғрисидаги қарор Европа Кенгашининг Вазирилар қўмитаси томонидан 2006 йил 26 апрелда қабул қилинган. Бинобарин, у Европа Кенгашининг Шахсларни шахсга доир маълумотларига автоматлаштирилган тарзда ишлов берилиши муносабати билан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенцияси қабул қилинган 1981 йил 28 январь кунига мувофиқ равишда танланган.

Ушбу Конвенция шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш соҳасида мажбурият юклайдиган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Унда, шахсий ҳаёт дахлсизлигини назарда тутган ҳолда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари белгилаб берилган. Шунингдек, "шахсга доир маълумотлар" тушу-нчасига аниқлик киритилган. Шахсга доир маълумотлар – инсон ҳақидаги ҳар қандай маълумотдан иборатдир. Шахсга доир маълумотлар уч турга:

биринчидан, умумий маълумотлар; иккинчидан, махсус маълумотлар; учинчидан, биометрик маълумотларга бўлинади.

Умумий маълумотлар қаторига инсоннинг исм-фамилияси, паспорти ва бошқа шахсий ҳужжатларидаги қайдлар, туғилган санаси ва жойи, e-mail манзили, яшаш, ўқиш ва ишлаш жойлари, оилавий, ижтимоий ва мулкӣ ҳолати, қаерда таълим олгани, қайси касб эгаси экани, даромади қанчалиги каби маълумотлар кирди.

Телефон рақамлари фақат эгасининг исм-фамилияси билан бирга қайд этилган ҳоллардагина шахсга доир маълумотлар тоифасига кирди. Транспорт воситасининг давлат рақами, коммунал-тўражой ҳўжалигининг ҳисоб рақами каби маълумотлар доир маълумот ҳисобланмайди. Чунки уллардан биринчиси бевосита автомобильга тегишли бўлса, иккинчиси уй-жойга тааллуқлидир.

Махсус маълумотлар деганда, шахснинг иркий ва миллий мансублиги, сиёсий, диний ва фалсафий қарашлари, соғлигининг ҳолати, шунингдек, маиший ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар тушунилади.

Биометрик маълумотлар – инсоннинг шахсини аниқлаш имконини берадиган физиологик ва биологик хусусиятга эга шахсий маълумотлардир. Масалан, шахснинг ДНКси, овози, кўз қорачиғи, бармоқ излари, юз қиёфаси, бўйи, вазни билан боғлиқ маълумотлар шулар жумласига кирди.

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш деганда, нималар англашляди?

Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш – шахсга доир маълумотларга нисбатан амалга оширилдиган ҳар қан-

дай хатти-ҳаракатларни ўзида қамрайди. Шахсга доир маълумотларни:

- тўплаш;
• ёзиш;
• тизимлаштириш;
• жамғариш;
• сақлаш;
• аниқлаштириш – янгилаш ва ўзгартиришлар киритиш;
• кўчириша олиш;
• фойдаланиш;
• узатиш, яъни тарқатиш, тақдим этиш, танишиш имконини яратиш;
• шунингдек, шахсизлантириш;
• блоклаш;
• ўчириб ташлаш;
• йўқ қилиш шулар жумласида.

Мисол учун иш берувчи ўз ходими билан меҳнат шартномасини тузиши асосида кадрлар бўлимида ўша ходимнинг шахсий ҳужжатларидан нусхалар жамланган жилд юзага келади. Демак, иш берувчи шахсга доир маълумотларни тўплаш, ёзиш ва сақлаш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширади.

Иш берувчи ўз ходимининг таширф қоғозига буюртма бериш учун унинг шахсга доир маълумотларни босмахонага юборди, дейлик. Бунда у шахсга доир маълумотларни узатган бўлади.

Яна бир мисол: сотувчи харидорларга оид маълумотлар жамланган ҳужжатларни ёқиб юборар экан, шахсга доир маълумотларни йўқ қилади.

Ёки бўлмаса, сотувчи ва харидор Интернет орқали махсус эгасига ўзларининг шахсга доир маълумотлари – исм-фамилия, манзил, почта ва телефон рақамларини тақдим этганига тўхташди. Бу маълумотлар уша сайтининг электрон хотирасида сақланади – демак, сайт эгаси шахсга доир маълумотларни йиғиш, ёзиш ва сақлаш билан шуғулланган.

Ушбу мисоллардан яна бир оддий ҳақиқат аён бўлмоқда. Яъни шахсга доир маълумотлар нафақат қоғоз, балки электрон манбаларда ҳам сақланиши мумкин.

Хулоса сифатида айтганда, бугунги глобаллашув жараёнида шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш ҳолатлари кузатилмоқда. Айрим оммавий ахборот воситалари ёки баъзи бир блогерлар шахснинг оғури-си, шаъни ва қадр-қимматини туширадиган ахборот тарқатгани учун суд олдида жавобгар бўлаётгани ҳам статистик маълумотларда кўриниб қолмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш масаласи долзарб аҳамиятга эгалигини далолат-дир. Шу боис айни соҳага оид қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш ва унинг мазмун-моҳиятини жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб этиш зарур.

Ғулум МИРЗО

Бу ҳаётда ҳар бир бола оилада ота-она меҳрини ҳис этиб, вояга етишга ҳақли. Зотан, болаларнинг дунёқарашидан оилавий низолар, турли хил кўнғилхиралликлар эмас, балки ота-онанинг бир-бирига нисбатан махри, бир дастурхон атрофида жам бўлган бахтли оила, фарзандлар билан ўтказилган унутилмас дақиқалар жой олиши керак.

Қонун талаби

Фарзанд таъминоти

ундан бўйин товлаган ота озодликдан маҳрум қилинди



Аслида бу муҳим тарбия омили саналади. Аммо баъзи ота-оналар ҳаётнинг ана шу оддий қонуниятини тан олишни исташмайди. Масалан, 1990 йилда туғилган судланувчи И.Тоҳиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам уч нафар вояга етмаган фарзандининг тақдирига масъулиятсизлик билан қаради. Оилавий низо-лар туфайли турмуш ўртоғи билан ажрашди.

Шу боис фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг ижро ҳужжати асосан И.Тоҳировдан бир нафар вояга етмаган фарзанди таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бири қисми микдориде алимент ундириш белгиланди. Аммо И.Тоҳиров

суднинг қарорига ҳам масъулиятсизлик билан қаради, фарзандини моддий жиҳатдан таъминлашдан кўр-кўрона бош тортиди. Шунинг учун у 2020 йил 1 июндан 2021 йил 1 апрелга қадар вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганини учун жиноят ишлари бўйича Олмасор тумани судининг қарори билан маъмурий жазога тортилди. Буни қарангки, маъмурий жазодан сўнг ҳам унинг сўқир кўзлари очилмади.

Охир-оқибат унинг алиментдан қарздорлиги қарийб 16 миллион сўмга етди. Шу боис унинг собиқ турмуш ўртоғи алиментдан қарздорлигини ундириш ва И.Тоҳировга нисбатан тегишли жазо қўллашни сўраб, судга мурожаат қилди.

— Ишларим юришмагани сабабли алимент пулларини ўз вақтида тўла олмадим. Агар имконият берилса, алимент пулларини бўлиб-бўлиб тўлайман. Қилишимдан чин кўн-гилдан пушаймонман, — деди И.Тоҳиров суд мажлисида ай-мига тўлиқ иқдор бўлиб.

— Фарзандининг аҳволидан умуман хабар олмайди, — деди судда жабрланувчи она. — Бо-

ламни даволатиш учун пул зарур. Бироқ доим куруқ ваъдалар аўшатаман, алимент пулларини ҳам тўламай алдаб юрибди...

Албатта, ўз фарзандининг таъминотидан бўйин товлаган кимсанинг қилмиши ҳеч қачон оқибатсиз қолмайди. Чунки вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқи амалдаги қонунларда қатъий ка-фолатланган. Шу боис суд суд-ланувчи И.Тоҳировни Жиноят

кодексининг 122-моддаси (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш) 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбдор деб топди ва 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, судланувчидан жабрланувчининг фойдасига 15 996 251 сўм алимент пули ун-дирши белгиланди.

Буни баён этишдан мақсад шуки, инсон ҳақиқий бахтни фақат оилада топади. Айниқ-са, фарзандлар меҳри, улар-нинг беғубор кулгуси ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Шу маънода фарзандига меҳр бе-риш, уни баркамол қилиб воя-га етказиш чинакам инсоний бурчдир. Бу инсоний бурчни унуттиш ҳеч шубҳасиз, тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Зоҳиддин НУРИДДИНОВ, жиноят ишлари бўйича Олмасор тумани суди судьяси

Жиноятга жазо муқаррар

ЖОҲИЛЛИК КАСРИ

Халқимизга хос меҳмондорчиликнинг ўзига хос тартиб-таомиллари бор. Дилторан сўзбанд, самимий муомала, иззат-иқром унинг мазмун-моҳия-тини ташкил этади. Табиийки, бунда мезбон меҳмонинг, меҳмон эса, мезбоннинг раъйига қарайди.

Афсуски, ўтган йил 24 сентябрь куни Қўшўпир туманининг "Шихобод" маҳалласида рўй берган фожеали воқеа боис ана шу эзгу удулма пугур етди. Элда расм бўлган таомил мез-бон эмас, балки меҳмонлар — шу қилшоқда яшайдиган Раҳим Бобоқуллов ва Назар Раҳमतов (исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан бузилди. Бир-бирига қариндошлик ришталари билан боғланган бу икки кимса хаста-

ланиб ётган қўшниси Содидқан кўнғил сўргани борганда, қутилмаганда ўзаро жанжаллашиб қолишди. Охир-оқибат аёвсиз дўппослашувлар натижасида ҳар иккови ҳам тан жароҳати олади. Қалтакнинг кўпи РБо-шуклоповнинг бошига ёғилди. Бунинг оқибатида у ҳолсизла-ниб қолади. Уни шу алфозда қариндошлик ришталари билан боғланган бу икки кимса хаста-

(Давоми 4-бетда) ▶

ТАРИХ ТИЛСИМЛАРИ

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ КИМ БЎЛГАН?

(Бошланиши 1-бетда) ▶

Қадимги юнон тарихчиси Ҳеродотнинг маълумот беришича, Эзоп Миср ҳукмдори Амасис (эраמידан аввалги 570-526 йиллар) даврида қул бўлган, кейинчалик хожаси уни озод қилган. Аристофан ва Алексид каби антик давр адиблари ҳам Эзоп образига мурожаат қилишган. Юнон ҳайкалтароши Лисипп унинг ҳайкалини ясаган. Бироқ Эзопнинг Луқмони Ҳақимга алоқадорлиги ҳали тўлиқ исботини топмаган.

Исломи дини билан боғлиқ манбаларда Луқмон Ҳабашистонда дунёга келгани ва Иброҳим пайгамбар (а.с) нинг акиси Нохрунинг набираси бўлгани ҳақидаги маълумотлар учрайди.

Луқмони Ҳақим Шарқ халқлари адабиётида энг кўп учрайдиган қаҳрамонлардан биридир. Луқмон образига ўзбек мумтоз адабиётида илк бор Бурҳониддин Рабғузийнинг "Қисас-ул анбиё" асарида мурожаат қилинган. Унда Луқмон ҳақидаги ривоят ва ҳикматлардан намуналар келтирилган.

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳам Луқмони Ҳақим тарихдан етарлича хабардор бўлган. Алишер Навоий асарларида Луқмон исми уч шох тилга олинган бўлиб, уларнинг биринчиси Луқмон ибн Од исми кишидир. Унинг исми Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида дастлаб Худ пайгамбар (а.с.) ҳақида сўз борганда эсланади. Ривоятларга қараб, Аллоҳ иймон келтирмаган Худ қавмига қурғоқчилик балосини юборади. Етти йил ёмғир ёймайди. Ариқлар ва булоқлар ҳам қуриб қолади. Қавм Яратгандан ёмғир сўраб дуо қилиши

учун Луқмон ибн Одни бир неча киши билан Каъбага юборади. Луқмон ичиндан Яратганга иймон келтиргани учун дуоси қабул бўлади. Осмонда оқ, қизил ва қора рангли булутлар пайдо бўлади. Худ қавми қора булутни танлайди. Бу булут бало булут эди. Ундан кучли бўрон чиқиб, бутун қавмни ҳалок қилади.

Шунингдек, муқаддас китобларда номи зикр қилинган Луқмони Ҳақим ҳақидаги маълумотлар Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида ҳам учрайди. Унда Луқмоннинг улугъ табиби (ҳақим) бўлгани, аммо кўпчилик уни пайгамбар деб билиши баён этилган. Унда ёзиллишича, Луқмон қора танли бўлиб, Довуд пайгамбар (а.с) суҳбатига мушарраф бўлган. Асарда Худ пайгамбар (а.с.) даври ва Луқмоннинг насаби (ибн Од) эсланмагани бу ўринда бошқа шахс ҳақида сўз бораётганидан далолатдир.

Алишер Навоийнинг "Тарихи анбиё ва ҳукамо" асарида Луқмоннинг уч минг йил умр кўргани қайд этилган. Биринчи қисми пайгамбарлар, иккинчиси табиблар (ҳақимлар)га бағишланган ушбу асарда Луқмон сиймосига икки марта тўхталинган ҳам бу зотларнинг бошқа-бошқа инсон бўлганини кўрсатади. Бошқача айтганда, икки асарда икки Луқмон ҳақида сўз юритилган бўлиб, уларнинг бири пайгамбар, иккинчиси табиб бўлганини аниқлаш мумкин.

Бундан ташқари Алишер Навоий "Саъди Исқандарий" достонида ҳам Луқмони Ҳақим ҳақида иккита қисқа ҳикоятни келтириб ўтган. Биринчи ривоятда Луқмоннинг узоқ йил умр кўриб, бу дунёга меҳр қўймагани айtilса,

иккинчисиде унинг барча илму одобни донолардан эмас, нодон ва жоҳил кимсалардан ўргангани зикр қилинган.

Алишер Навоий асарларида учинчи Луқмон ҳақида ҳам сўз юритилган бўлиб, у Аҳмад Яссавийнинг хуросонлик издоши бўлган Луқмон паррандидир. 1487-1489 йиллар оралигида Хуросон ҳукмдори бўлган Хусайн Бойқарога атаб яратилган "Муншаот"да шу зотга ишора бор. Бу зот XI асрда яшаб ўтган тасаввуф шайхларидан бири Луқмон Сараҳсий бўлиб, у Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида ҳам тилга олинган.

Ривоят қилишларича, ўта тақводор ва билимли бўлган Луқмон Сараҳсий авлиёлик даражасининг охири босқичида ақлдан озган. Ундан "Нега бундай бўлди?" — деб сўрашганда, "мен Эгамга ҳар қанча қуллуқ ва тоат қилсам, камлигини тушундим, шу боис Яратганга муножот қилиб, "қул қариса хожаси уни қулликдан озод қилди, сен ҳам мени озод қил" дегандим, озодлик нишониси сифатида мендан ақлу хуш соқит бўлди" дейди.

Яна бир ривоятга қўра, шайх Абу Саид Абулхайр муридлари билан маърифат юзасидан баҳслашиб қолиб, битта масаланинг жавобини топа олишмайди. Шу пайт бу ерга авлиё Луқмон учиб келиб, масаланинг жавобини айтиб, яна учиб кетади. Шундан сўнг у оқилу фозиллар орасида "Луқмон парранда", яъни "учувчи Луқмон" деб ном қозонади.

Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот-ул-унс" таъриҳида ҳам Луқмон парранда ҳақидаги ушбу маълумотлар қайд этилган. Бу тарихий шахс асосан

Туркиянинг Онадўли вилоятида кенг ёйилган тасаввуфий оқимлардан бири бўлган Бектошия вақиллари орасида машхур. Бу оқимнинг номи таниқли мутасаввиф, Аҳмад Яссавийнинг ғойибона издошларидан бўлган Ҳожи Бектоши валий номи билан боғлиқ. Турк олими Бюлент Каранинг маълумот беришича, Луқмон парранда Туркистонда Аҳмад Яссавийдан тасаввуф сирларини ўрганган, Ҳожи Бектош унинг шогирдларидан бўлган.

XI асрда яшаб ўтган ва асли хуросонлик бўлган Ҳожи Бектош Аҳмад Яссавийнинг маънавий издошларидан ҳисобланади. Онадўлига кўчиб борган Ҳожи Бектош шу ерда тасаввуфнинг Бектошия тарикатига асос солган. Хозирда Туркиянинг Невшеҳир вилоятидаги туман Ҳожи Бектош номи билан аталади. Бу ерда унинг мақбараси жойлашган. Шу боис бу масканда ҳар йили турли санъат фестиваллари, илмий анжуманлар ўтказишаёнага айланган.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, тарихий манбалар, муқаддас китоблар ва ҳазрати Алишер Навоийнинг асарларида тилга олинган Луқмони Ҳақимлар битта одам эмас. Ушбу тарихий шахслар бошқа давр ва бошқа йилларда яшаб ўтган бўлиб, уларнинг касб-кори ва мақоми ҳам турличадир. Албатта, бу тахминлар яқиний илмий хулоса сифатида анча баҳсли бўлиши мумкин. Шу боис илмий тадқиқотчилардан унга янада аниқлик киритиш талаб этилади.

Рустам ЖАБОРОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Қизиқарли фактлар

Хозирги пайтда АҚШ доллари сохталари энг кўп ишлаб чиқариладиган бешта валютадан бири ҳисобланади. Маълум бўлишича, долларнинг сохталари Американинг ўзидан кўра бошқа давлатларида кўпроқ асалади.

ҚАЛБАКИ БИР ДОЛЛАРЛИК СИРИ



ёхуд америкалик сохта пул ясовчи тақдири

АҚШда сохта пул ясовчилар орасида Эмерих Ютнернинг номи кўпроқ тилга олинади. 1876 йилда Австрияда туғилган ва 14 ёшида Америкага кўчиб бориб, Нью-Йорк шаҳрида қўним топган Эмерих Ютнер қийинчилик билан кун кечирган.

1937 йилда ишдан бўшатирилган ва қийин аҳволга тушиб қолган 61 ёшли Ютнер сохта пул ясаган. У бир долларлик банкнотни расмга олиб, унинг икки томонидаги тасвирларни ишқор ёрдамда қолипларга ўтказди. Сўнгра қолипларни ўйиб, унга долларнинг нақшини туширади ва сохта тасвири оқддий идора қозғига чоп этади.

У бир неча бир долларлик банкнотларни ясайди ва уларни сотувчиларга осонгина ўтказди. Ютнер биринчи ҳафтада дўконлардан 15 доллар сохта пулга турли харидларни амалга оширади. Қизғин шундаки, банкнотларнинг сохталигини биронта сотувчи пайкамайди.

Ютнер бу иш жиноят эканини жуда яхши билган. Шу сабабли у нафсига эрк бермайди ва ҳар ҳафта рўзгор эҳтиёжи учун етти доллар даражада 10-15 донга сохта бир долларлик пул ясайди. Ютнер қолипларни тайёрлаётганда нақшларни аниқ ўя олмаган ва банкнотдаги айрим ёзувларни хато ёзган бўлса-да, узоқ вақт мобайнида бунга ҳеч ким эътибор бермайди. 1938 йилда Манхеттендаги дўконлардан бирининг кассири дўкон эгаси томонидан ўзига берилган иш ҳақини санаётиб ғалатиноқ кўринишдаги 1 долларликни пайкаб қолади.

Шундан сўнг у АҚШ махфий хизматида мурожаат қилади ва пулни уларга топширади. Махфий хизмат ходимлари сохта бир долларликни қўриб ҳайрон қолишади. Чунки сохта пул оқддий идора қозғига босилган ва ундаги ёзувлар ҳақиқий пулдагидан фарқ қиладиган даражада топқандан фарқ қиларди. Қопаверса, қалбаки пул ясовчи нега йирик банкнотларни эмас, балки арзинмаган бир долларнинг сохтасини тайёрлагани ҳам жумбоқ эди.

Махфий хизмат бўлими сохта пул тайёрланиши бўйича 880-рақамли жиноят иши қўзғатади. Аммо сохта пул ясовчи шахс узоқ вақт мобайнида топилмайди. Қизиқишлар ортидан ишга қаттиқ киришган махфий хизмат ходимларининг қўлига бир ойда 40 донга сохта бир долларлик келиб тушади. Бир йилда 585 донга шундай сохта доллар муомалада юргани аниқланади. Шундан сўнг махфий хизмат ходимлари сохта пул ясашда гумон қилиб бир неча кишини ҳибсга олади. Аммо сурштирувлар натижасида сохта

бир долларликни уларнинг ҳеч бири ясамагани маълум бўлади.

1947 йилда махфий хизмат ходимларининг қўлига келиб тушган сохта бир долларликнинг сони 7 миң дондан ошиб кетади. Аммо уларни ясаётган одам ҳали ҳам топилмаган эди. Орадан бир йил ўтгач, бахтсиз тасодиф туфайли Ютнернинг қилмиши фош бўлади. Ютнер яшаётган кўп қаватли уйда ёнгин содир бўлиб, ўт ўчирувчилар Ютнернинг уйдаги зарур буюмлар ва кийимларни ёнгиндан асраш учун пастга улоқтиради. Уларнинг ичиде Ютнер тайёрлаган сохта пул ва иккита қолип ҳам бор эди. Уларни топиб олишгач, махфий хизмат ходимлари ёнгиндан асраш уйдаги хонадонларни текшира бошлади. Охир-оқибат сохта пул ясалган хонадонга киришганда уларни 72 ёшли чол кулимсираб қарши олади. Ютнерга сохта пул ясовчи ускуна ва сохта пул ясаш, шунингдек уларни муомалага киритиш бўйича айблов эълон қилинади. Судда Ютнер ҳеч кимга бир доллардан ошқ пул бермагани ва жабрланувчилар унинг ноқонуний иши ортидан фақат бир доллар микдориде зарар кўрганини билдиради. Суд Ютнерга бир йил бир ойлик қамоқ жазоси тайинлайди. Судья Ютнерни сохта пулларни бойиб кетиш учун эмас, балки ўз эҳтиёжлари учун кам микдорда ишлаб чиқаргани, ёши кекалигини ҳам инобатга олади. Ютнерни тўрт ойдан сўнг қамоқдан озод қилишади.

1949 йилда "The New Yorker" ҳафталигида журналист Сент-Клер Маккелвейнинг Ютнер ҳақидаги мақоласи чоп этилади. Ютнер журналистни қидириб топади ва унга бошидан ўтказган воқеалар сюжетини сотиб олишни таклиф қилади. Сюжетни мўмай пулга сотиб олган Сент-Клер Маккелвей Ютнернинг ҳаёти ҳақида асар ёзиб, чоп эттиради. "Жиноятчилик тафсилоти" деб номланган комик услубида ёзилган ушбу асар асосида Холливудда «Мистер 880» (880 — Ютнер қўлга тушадан унга банкнотларни эмас, балки арзинмаган бир долларнинг сохтасини тайёрлагани ҳам жумбоқ эди.

Махфий хизмат бўлими сохта пул тайёрланиши бўйича 880-рақамли жиноят иши қўзғатади. Аммо сохта пул ясовчи шахс узоқ вақт мобайнида топилмайди. Қизиқишлар ортидан ишга қаттиқ киришган махфий хизмат ходимларининг қўлига бир ойда 40 донга сохта бир долларлик келиб тушади. Бир йилда 585 донга шундай сохта доллар муомалада юргани аниқланади. Шундан сўнг махфий хизмат ходимлари сохта пул ясашда гумон қилиб бир неча кишини ҳибсга олади. Аммо сурштирувлар натижасида сохта

(Бошланиши 3-бетда) ▶

Фарзандлари уни бундай аҳволда кўриб, касалхонага олиб бориш тараддудига тушиб қолишади. Бироқ Р.Бобоқулов унамайди. Бунинг ўрнига у ўғли Раҳмат Бобоқулов ва набираси Рустам Раҳимовга "зўравон" қариндоши Н.Раҳматовни оёғини ерга теккизмай олиб келишни буюради. Ҳазабга минган ота-ўғил орадан бир неча дақиқа ўтмаёқ Назар Раҳматовнинг уйига етиб келишади. Аммо Н.Раҳматовнинг хотини эри алампидан ичаётгани ва маст эканини айтади. Ота-ўғил Н.Раҳматовни бундай аҳволда олиб кетиш мушкул эканини аниқлашса-да, барибир шаштидан қайтишмайди. Улар Н.Раҳматовни судрагудек алфозда уйдан олиб чиқиб, автомашинага ўтқишадиган-да, йўлга тушишади. Аммо улар уйга етиб келгач, Н.Раҳматовни автомашинадан тушириш оғир кечди. Аниқроғи, йўлда Н.Раҳматовнинг ахволи бирдан ёмонлашган, у ҳушини йўқотгандек, қимир этмай ётарди. Аммо ота-ўғил бунга эътибор ҳам қилишмайди, аксинча, уни судраганча уйга олиб киришади ва ота — Раҳим Бобоқуловга рўпарў қилишади.

Афсуски, Н.Раҳматов қимир этмас, ҳатто гапиришга ҳам ҳоли йўқ эди. Бундай вазиятда у билан гаплашиб бўлмасди. Энг ёмони, унинг ахволи тобора оғирлашиб борарди. Бу ёқда Раҳим Бобоқуловнинг ҳам ахволи оғир эди. Шу топда фарзандлари қаттиқ дард чекиб, танида кўзгалган кучли оғриқдан ҳушини йўқотаётган Н.Раҳматовнинг эмас, ота — Р.Бобоқуловнинг атрофида парвона бўлишади.

Орадан кўп ўтмай Р.Бобоқуловнинг уйига ҳар икки тарафнинг яқинлари, қўни-қўшилар, маҳалла расиси, ички ишлар ходимлари кириб келишади. Узаро жанжал жабрли ҳаммадан кўп тортган Р.Бобоқулов ва Н.Раҳматов эҳтиш билан шифохонага ётқизилди. Орадан бир неча кун ўтгач, Р.Бобоқуловнинг соғлиги деярли тикланди, у шифохонадан уйига қайтди. Лекин Н.Раҳматовнинг ахволи ўнганмайди. Аксинча, унинг



ЖОҲИЛЛИК ҚАСРИ

соғлиги кундан-кунга оғирлашиб борди. Охир-оқибат орадан олти кун ўтгач, у касалхонада дунёдан ўтди.

Албатта, Н.Раҳматовнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бунинг устига одамлар орасида унинг ўлимига ота-ўғил Раҳим Бобоқулов ва Рустам Раҳимов сабабчи бўлгани ҳақидаги миш-мишлар тарқалди.

Хўш, аслида қандай воқеа рўй берганди? Н.Раҳматовнинг ўлимига ким сабаб-чи?

Қисқаси, бу саволларга тергов жараёнида тўлиқ ойдинлик киритилди.

Аниқланишича, Н.Раҳматов қўшини Р.Бобоқулов билан жанжал пайтида жиддий жароҳат олмаган, соғлигига ҳеч нарса хавф солмаган, унинг азалдан ногирон ва оқсоқилини эътиборга олмаганда, уйига тўрт мучали бут холда қайтган. У уйига келиб "қадрдони" шишага ёпишган. Аламини ичкиликдан олган. Ота-ўғил Раҳмат ва Рустам уни автомашинага ўтқизаётганда ҳам унинг соғлиги жойида бўлган. Аммо автомашинада кетаётиб, ҳаммаси қутилмаганда, ўзгарган, Р.Бобоқуловнинг хонадонига етиб келишганда, у деярли беҳуш ҳолатда бўлган, сўнг опти кун оғир аҳволда ётиб, вафот этган. Демак, ҳаммаси йўлда, автомашина ичиде рўй берган. Бунга табиийки, ота-ўғил

Раҳмат Бобоқулов ва Рустам Раҳимовнинг қилмиши сабаб бўлган. Бироқ ота-ўғил тергов томонидан эълон қилинган айбони кескин рад этилди. Уларнинг ида-даосича, Н.Раҳматовга нисбатан автомашинада ҳам, уйда ҳам бирон-бир тарзда зўравонлик, тажовузкор ҳаракат содир этилмаган. Раҳмат Бобоқулов ўзининг бор-йўқ айби кекса отасининг сўзини ерда қолдирмай марҳум қариндоши Н.Раҳматовни қўлтигидан олганча уйига олиб келганидан иборат эканини таъкидлади. Унинг ўғли Рустам эса, Н.Раҳматовга ҳатто қўл ҳам теккизмагани, фақат автомашинани бошқариб, бориб-келганини билдирди. Қарши тараф бу даъволарнинг ба-рини қатъиян рад этди. Марҳум Н.Раҳматов автомашинага ўз оёғи билан чиқиб, орадан бир неча дақиқа ўтгач, деярли ҳушсиз ҳолатга тушган шубҳа-гумонлар тегириғини сув қўйди. Марҳум Н.Раҳматовнинг қонуний вакили М.Раҳматов, гувоҳ Б.Шоназаров, Ж.Матёқубова, Л.Матёқубова, М.Раҳимов, Н.Раҳимова, М.Раҳимов, М.Юсупов, С.Оллабергано-ва, У.Раҳимова, А.Эминов, Қ.Эгамова, Д.Матёқубованинг бу фожиа ҳақидаги фикрлари деярли бир жойдан чиқди. Уларнинг айтишига қараганда, ота-ўғил Р.Бобоқулов ва Р.Раҳимов Н.Раҳматовни уйдан судраб олиб чиқшган, буралатиб сўкиб ҳақо-

рат қилишган, автомашинага мажбуран ўтқишигач, тепиб-теп-килаб, аёвсиз мушт туширишган. Бундай тажовузкор хатти-ҳаракат Р.Бобоқуловнинг хонадонига етиб келганга қадар давом этган. Охир-оқибат эса, у аёвсиз калтаклар таъсирида чалажон аҳволга тушган.

Айтиш керакки, судда гувоҳ сифатида кўрсатма берган Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг Хо-разм филиали Қўшқўпир тумани бўлимининг эксперти Н.Раҳма-товнинг ўлими ингичка ичак, қорин бўшлиғида қон кетиши, 5 та қовурғанинг синиши ва бошқа жароҳатлар оқибатида юз бергани қайд этди. Унинг айтишича қараганда, барча жароҳатлар қаттиқ ва ўтмас шаклдаги буюм-нинг кучли зарбаси таъсирида етказилган. Урни келганда шуни таъкидлаш жоизки, тиббий экс-пертиза хулосасига қараганда, одам мушти ҳамда оёғи (тепки) ҳам ана шу тўмтоқ буюмлар си-расига кирди.

Суд чоғи марҳум ва жабрланувчи тарафнинг шахсига ҳам аниқлик киритилди. Гувоҳ Аҳмад Эминов ва Бекмурод Жўраевнинг таъкидлашича, марҳум Н.Раҳма-тов ва жабрланувчи Р.Бобоқулов маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлган. Аммо кейинги пайтларда улар ичкиликка берилган. Суд марҳум Н.Раҳматовнинг ўлимида

Бобоқуловлар хонадонига яқин бўлиш бошқа шахслар, хусусан, жабрланувчи ва унинг яна бир ўғли — Б.Бобоқуловнинг ҳам қўли борлиги ҳақидаги даъвои ҳам ўрганиб чиқди. Бироқ суд муҳокамаси чоғида аниқланган ҳолатлар бу эътироз асоссиз эканини кўрсатди.

Қисқаси, суд жараёнида Н.Раҳматовнинг ўлимига Р.Бобоқулов ва Р.Раҳимовнинг қўпол хатти-ҳаракати сабаб бўлгани ҳақидаги айблов ўз исботини топди. Шу билан бирга Н.Раҳма-товнинг ўлими қасддан қилинган ҳаракат натижасида эмас, балки жиноий эҳтиётсизлик оқибатида юз бергани яққол ойдинлашди. Суд бу ҳолатларнинг барини эътиборга олди. Айрим ҳолатларни қонун талабига мослади. Пировадиде Жиноят кодексининг 104-моддаси 3 қисми "д" банди айбланувчиларга нисбатан тўғри қўлланилганини эътироф этди. Ана шу модда талаблари доира-сида Р.Бобоқулов ва Р.Раҳимовга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Албатта, бу фожеали воқеа ҳар бир кишини ўйлашга, мушоҳа-да қилишга ундайди. Агар эъти-бор берилса, бу муҳим воқеани рўй беришига ҳаётга енгил қараш, ақл билан иш тутмаслик ва ниҳоят, ичкиликка муккасидан кетиш сабаб бўлганини кўриш мумкин. Бунинг устига марҳум Н.Раҳматов ҳам, Р.Бобоқулов ҳам ёшларга тўғри йўл кўрсатадиган, панд-на-сиҳат қиладиган ёшга етганига қа-рамай ичкиликка рўжу қўйишгани, қўни-қўшинчилик ва қариндошчи-лик ҳақини унутиб, аянчи яқун топган жанжал кўтаришганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўл-сак, ҳар бир оилада соғлом тур-муш тарзини жорий этиш турли ни-зо ва фожиаларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бу оила, маҳалла, кенг жамоат-чилик ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Ўқтамбой МАШАРИПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Шовот тумани суди раиси

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

- Бахтиёр ИСЛАМОВ
- Холмўмин ЁДГОРОВ
- Робохон МАХМУДОВА
- Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
- Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
- Замира ЭСОНОВА
- Икрам МУСЛИМОВ
- Азиз АБИДОВ
- Шухрат ПОЛВАНОВ
- Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Манзили: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-115 Қозғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7942
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 2100. Топширилди: 2200.